

PEDAGOGIK MAHORAT

MS

2021



PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

MAXSUS SON (2021-yil, IYUN)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2021, MAXSUS SON

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy
Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qiyamov Nishon Sodiqovich, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО

Научно-теоретический и методический журнал
2021, Специальный выпуск

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по педагогике и психологии.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раза в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук (DSc), доцент

Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Олимов Ширинбой Шарофович, доктор педагогических наук, профессор

Киямов Нишон Содикович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сиддиқович, доктор экономических наук (DSc)

PEDAGOGICAL SKILLS

The scientific-theoretical and methodical journal

2021, special release

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house: Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Pedagogical Sciences of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov.

Deputy Editor: Pedagogical Sciences of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade.

Editor: Doctor of Pedagogical Sciences(DSc), Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov

Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov

Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov

Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I.Ibrahimov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)

Doctor of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov

Doctor of Pedagogical Sciences, Prof.M.Mahmudova

Doctor of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)

Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)

Doctor of Technical sciences, Prof. Mukhtor R.Amanov

Doctor of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev

Doctor of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva

Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev

Doctor of Economics, Prof. Nasir N. Mahmudov

Doctor of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov

Doctor of Pedagogical Science, Prof. Nishon S. Kiyamov

Doctor of Economics Sciences Otabek S.Kahhorov

Маърифат УМУРОВА
Бухоро давлат университети
педагогика кафедраси ўқитувчиси

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУСИҚАНИНГ ЎРНИ

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварликни ривожлантиришида мусиқий тарбиянинг ўрни таҳлил қилинган. Мусиқий тарбия халқимизнинг кўп асрлик тажриба манбаи. Мактабгача ёш - бу дунёни, одамлар ўртасидаги муносабатларни ва шахснинг асосларини шакллантиришни фаол билиш даври. Таълимнинг энг муҳим воситаси бу театрлаштирилган томошалар, концертлар, байрамлар, анъаналар, ўйинлар ва бошқалар. Болалар билан ишлашда турли хил мусиқий воситалардан фойдаланиш имконияти кўриб чиқилади: кўшиқ сўзлари, сайр қилиш учун мусиқий ҳамроҳлик, экскурсиялар, бадий адабиётларни ўқиш, ритмик фаолият ва ҳ.к. Баркамол шахс, ҳар бир боланинг маънавий ва ахлоқий маданиятини бойитиши. Мақолада “ватанпарварлик” тушунчаси таҳлил қилинган. Эмоционал идрок орқали мусиқа санъатининг турли восита ва имкониятлари ҳам шахсда ватанпарварликни тарбиялашда ёрдам беради.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, ватанпарварлик тарбияси, мусиқий тарбия, мактабгача тарбия, мусиқий таълим, мусиқий воситалар, ахлоқий ва эстетик вазифалар.

В статье анализируется роль музыкального воспитания в развитии патриотизма у дошкольников. Музыкальное воспитание – это источник великой народной мудрости и накопленного многовекового опыта. Дошкольный возраст – время активного познания мира, человеческих отношений и формирования основ личности. Важнейшими воспитательными средствами являются театрализованные представления, концерты, праздники, традиции, игры и т.д. Рассмотрена возможность использования в работе с детьми различных музыкальных средств: песенная лирика, музыкальное сопровождение прогулок, экскурсий, чтения художественной литературы, ритмическая деятельность и т. д. Включение музыкального искусства в развитие патриотизма – необходимое педагогическое условие развития гармоничной личности, обогащения духовной и нравственной культуры каждого ребенка. В статье сделан анализ понятия “патриотизм”. Разнообразные средства и возможности музыкального искусства через эмоциональное восприятие также содействуют развитию патриотизма личности. Именно сила эмоционального восприятия способна оказывать мощное воздействие на ребенка. Музыкальное воспитание и развитие патриотизма человека продолжается в течение всей его жизни.

Ключевые слова: патриотизм, патриотическое воспитание, музыкальное воспитание, дошкольное воспитание, музыкальное воздействие, музыкальные средства, нравственно-эстетические задачи.

The article analyzes the role of music education in the development of patriotism in preschool children. Musical education is a source of great folk wisdom and accumulated centuriesold experience. Preschool age is the time of active knowledge of the world, human relations and the formation of the foundations of personality. The most important educational means are theatrical performances, concerts, holidays, traditions, games, etc. the possibility of using various musical means in work with children is considered: song lyrics, musical accompaniment of walks, excursions, reading of fiction, rhythmic activity, etc. the Inclusion of musical art in the development of patriotism is a necessary pedagogical condition for the development of a harmonious personality, enrichment of spiritual and moral culture of each child. The article analyzes the concept of "patriotism". Various means and possibilities of musical art through emotional perception also contribute to the development of patriotism. It is the power of emotional perception that can have a powerful impact on the child. Musical education and development of patriotism continues throughout his life.

Key words: patriotism, patriotic education, musical education, preschool education, musical influence, musical means, moral and aesthetic tasks.

Кириш. Бугунги ижтимоий-маданий ҳаётда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсати нафақат миллий таълим тизимида давлатнинг ижтимоий буюртмаси бажариш, балки бошқа халқларнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, урф-одатлари ва маданиятини ҳурмат қиладиган юксак ахлоқий фазилатларга эга, ватанпарвар шахсни тарбиялашга ҳам қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир” [11] деб таъкидланганлари ҳам ёшларимизда миллий мафкурани ривожлантириш, мактабгача таълим ва тарбия, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим ижтимоий масала эканлигидан далолат беради.

Асосий қисм. Ёш авлод ўртасида ватанпарварликни тарбиялашга давлат ёндашуви масаласи мамлакатимизнинг таълим тизими фаолиятини тартибга солишчи ҳужжатларда ўз аксини топган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсияда: “Таълим боланинг ота-онасига, унинг маданий ўзига хослиги, тилига ва бола яшайдиган мамлакатнинг миллий қадриятларига ҳурматни тарбиялашга қаратилган бўлиши керак” [3]. Шундай қилиб, ватанпарварлик тарбияси замонавий педагогиканинг давлат вазифаси сифатида эълон қилинади. Бинобарин, ватанга муҳаббатни тарбиялаш, атрофдаги табиат ва одамларга масъулиятли муносабатда бўлиш, авлодлар ўртасида барқарор муносабатни шакллантириш таълим муассасаларида ватанпарварликни ривожлантиришдан иборатдир. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилиш учун, албатта, мустаҳкам эътиқодга эга бўлган, миллий қадриятларимизнинг қадрига ета оладиган, миллий ғурур ва ифтихорга эга бўлган, ватанга садоқатли, бурч ва масъулиятни ҳис этадиган ёшларни тарбиялаш педагогик заруриятга айланди.

Мактабгача ёшидаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нафақат мактабгача таълим муассасаси, балки оила ҳам катта роль ўйнайди. Боланинг қарашлари ота-онанинг ватанпарварлик туйғулари ва қарашларига боғлиқ. Шунга кўра ривожланишнинг барча ёш босқичларида: мактабгача таълим ва тарбия олувчилари, мактаб ўқувчилари, талабалар ва катта авлод вакиллари ўртасида ватанпарварлик тарбиясини ташкил этиш муаммоси мавжуд.

Мактабгача таълимда ватанпарварлик тарбияси шахснинг ахлоқий ва маънавий хусусиятларини, ўз миллати билан фахрланиш туйғусини, ўз халқининг урф-одатлари ва маданиятига ҳурматни ва бағрикенгликни шакллантириш вазифалари амалга оширилади.

“Ватанпарварлик” атамаси турли вазият ва шароитларда қўлланилади ва уни талқин қилиш доираси ҳам хилма-хилдир.

Ватанпарварлик кўп қиррали тушунча. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, ватанпарварлик бу Ватанга муҳаббатдир. Ватанпарварлик— кишиларнинг она юртига, ўз ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозир билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. (Миллий эн.) [10]

2006 йилда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ватан тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; турар жой, бошпана, маскан, уй сифатида талқин этилган.

“Ўзбекистан миллий энциклопедияси”да эса, ватан тушунчасига шундай таъриф келтирилади: Ватан - кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлақати; тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи. Ватан она каби муқаддас. Ватан олдидаги қарздорлик туйғуси, масъулияти ҳар бир етук инсонга хос хусусиятдир. Ватанни севпш ватанпарварликда намоён бўлади.

У.Маҳкамов “Ахлоқ-одоб сабоқлари” китобида ватан тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Ватан - ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсган юртига, энг яқин кишилари ота-она, ака-ука, опасингилларига бўлган муносабатида акс этади. Она-Ватан шундай тушунчаки, у киши қалбида ҳеч қачон ўзгармайди. Ватанга муҳаббат туйғуси она сути билан қонга киради. Бу азиз туйғуни она алласи парвариш этади, вояга етказди” [6].

Ватан, ватанпарварлик, ватанга эътиқод, ватанга садоқат сўзлари доимо бири иккинчисини тўлдириши, ифодалашини инobatга олиб, “ватанпарварлик” тушунчасининг мазмуни, моҳиятини англаб олиш лозим. “Ўзбекистан миллий энциклопедияси”да **ватанпарварлик** - кишиларнинг она-юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозир билан фахрланишда, манфаатларини ҳимоя қилишда намоён

бўлади.

А.Эркаевнинг “Маънавият - миллат нишони” китобида ватанпарварлик туйғуси ҳақида қуйидагича фикр билдирилган: - “**ватанпарварлик**” - энг аввалло, мустақилликни мустаҳкамлашга ижобий ҳиссий муносабатдир. Ватанпарварлик, шунингдек, эътиқод сифатида тегишли тушунчалар, қарашлар, ғоялар, идеаллардан ҳам таркиб топади. Ватанпарварлик минглаб, миллионлаб халқ томонидан истиқлолни мустаҳкамлашни, ривожлантиришни, уни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенгайтириш заруриятининг асосий тамойилларини тўғри тушуниш, истиқлол манфаатларини шахсий, гуруҳий, синфий, маҳаллий-минтақавий манфаатлардан устун қўйишидир” [9].

И.Е. Кравтсов қуйидаги таърифни беради: “Ватанпарварлик - бу ўз ватанига муҳаббат; ўз она жойларига, она тилига, маданият ва урф-одатларига, ўз халқининг меҳнати маҳсулотларига, тараққий этган ижтимоий ва давлат тизимига муҳаббат. Ватанпарварлик - бу ўз Ватанига фидойи садоқат, ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга тайёрлик” [8].

И.Ф. Харламов ватанпарварликни ўзаро боғлиқ ахлоқий ҳис-туйғулар ва хулқ-атвор хусусиятларининг мажмуи, шу жумладан Ватанга муҳаббат, Ватан равнақи учун фаол меҳнат, халқнинг меҳнат анъаналарига риоя қилиш ва давом эттириш, туғилган мамлакатнинг тарихий ёдгорликлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, она юртига меҳр ва муҳаббат, Ватан шаъни ва кадр-қимматини мустаҳкамлаш истаги, уни ҳимоя қилишга тайёрлиги ва қобилияти, жасорат ва фидойилик, биродарлик ва халқларнинг дўстлиги, ирқий ва миллий душманликка тоқат қилмаслик, урф-одатларга ҳурмат, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг маданияти, улар билан ҳамкорлик қилиш истаги [8].

А.И. Солженицын қуйидаги таърифни беради: “Ватанпарварлик - бу ахлоқий ва сиёсий принцип, ижтимоий туйғу, унинг мазмуни ватанга муҳаббат ва шахсий манфаатларини унинг манфаатларига бўйсундиришга тайёрликдир” [7].

Ватанпарварлик тушунчасида учта асосий компонентни ажратиш мумкин: “когнитив (билим, ғоялар), ҳиссий (ҳиссиётлар) ва хулқ-атвор (қўникмалар). Бу таркибий қисмларнинг барчаси инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвори соҳасида амалга оширилади” [4].

Болаларни индивидуал тарбиялашнинг ўзига хослиги мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Олимлар (Ш.А. Амонашвили, А.А. Люблинская ва бошқалар) ўз асарларида ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда таяниши керак бўлган бола шахсиятининг ривожланиш хусусиятларини батафсил тадқиқ этган.

Ҳозирги вақтда мактабгача таълим ва тарбия муассасаларида болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоларини ҳал қилиш учун минтақавий шароит ва принциплар асосида ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозимдир:

- мактабгача ёшдаги бола учун энг мос бўлган билимларни танлаш;
- ватанпарварлик тарбиясининг узлуксизлиги ва изчиллигини кузатиш (болаларнинг аввалги тажрибасини ҳисобга олиш);
- ҳар бир болага индивидуал равишда мурожаат қилиш, иложи борича унинг психологик хусусиятларини, оилавий хусусиятларини, потенциал имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олиш;
- турли фаолиятлардан фойдаланиш ва уларни оқилона бирлаштира олиш;
- фаолиятга асосланган ёндашувдан фойдаланиш (нафақат “ватанпарварлик тўғрисида маъруза қилиш”, балки боланинг ҳиссий жиҳатдан аниқ фактларни ўзи орқали ўтишига ва шу йўналишда ўзи нимадир қилишига ишонч ҳосил қилиш).

Маънавий-ахлоқий тарбия болаларни бағрикенглик, хайрихоҳлик, ҳамкорлик, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат қадриятлари дунёсига киритиб, ўз халқининг қиёфаси ижобий қабул қилинадиган ижобий этник ўзига хосликни шакллантиришга ёрдам беради:

- ўз халқининг маданияти, тарихига ижобий муносабат;
- бошқа этник гуруҳлар вакиллари билан мулоқотга кира олиш, уларнинг маданиятини ҳурмат қилишга нисбатан бағрикенглик муносабати;
- ўз фуқаролари ғояси ва барча фуқаролар билан биргаликда ўз мамлақати, халқи ғояси ва ўз мамлақати ва халқига дахлдорлик туйғусига асосланган миллий онг ва ўзини англашнинг намоён бўлиши;
- ватанпарвар инсонга айланиш.

Муҳокамалар ва натижалар. Ватанпарварлик тушунчаси кенг ва кўп қиррали бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик тарбиясига қўйилган вазифаларни турли воситалар

ёрдамида ва тегишли педагогик шароитларни ташкил қилиш орқали ҳал қилиш мумкин. Улардан бири мусиқа.

“Мусиқа - инсон мавжудлигининг зарурий маънавий атрибутидир”, деб айтган Аристотел [8]. Мактабгача ёшдаги болаларни мусиқий тарбиялашда ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Мусиқий воситалар ҳар бир боланинг қобилиятини, унинг ижодий салоҳиятини очиб беришга ёрдам беради ва пировардида ўз мамлакати билан фахрланиш туйғусини тарбиялайди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий тарбияси ватанпарварликни ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга, бу кўплаб тадқиқотларда тасдиқланган. Н.А.Ветлугинанинг сўзларига кўра, “айнан мусиқа инсон қалбини чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга чақирилади. Мусиқий ривожланиш умумий ривожланишга ажралмас таъсир кўрсатади: ҳиссий соҳа шаклланади, тафаккур такомиллашади, санъат ва ҳаётда гўзалликка сезгирлик тарбияланади” [2].

Ватанпарварлик тарбияси воситаси нафақат кўшиқ сўзлари, балки ёшга мос равишда танланган, тинглаш мусиқа садоси билан кўшилиб турадиган бадиий асарлар ҳам бўлиши мумкин.

Мусиқа узоқ вақт давомида визуал таассуротларни сақлашга қодир. Ватанга муҳаббатни ривожлантириш онага муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан амалга ошириш мумкин эмас. Она ҳақидаги кўшиқлар мактабгача ёшдаги болалар репертуарига доимий равишда киритилади, улар болаларнинг самимий ва бевосита ҳиссиётларини уйғотади.

Болалар фолклорининг мазмуни бойлиги ва хилма-хиллиги мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик тарбиясига ҳисса қўшади. Мусиқа тинглашда ўзбек халқ кўшиқлари ва куйларидан фойдаланган ҳолда, улар мактабгача ёшдаги болаларни ўзларининг бадиий ва когнитив хусусияти билан жалб қилишади.

Шундай қилиб, халқ мусиқа санъати - мактабгача ёшдаги болаларнинг кундалик ҳаётига киритилган ва ватанпарварлик ривожланишининг ажралмас қисмига айланган кучли таълим ва тарбия манбаи. Мусиқани ҳис қиладиган ва тушунадиган бола, кўшиқ айтишни ва рақсга тушишни яхши кўради, атрофдаги дунёни ва табиатни севади, демак у бепарво, кўпол ва шафқатсиз бўлмайди.

О.П.Радинова таъкидлашича, “мусиқий санъат - бу ёш бола томонидан идрок этилиши мумкин бўлган ягона санъат тури. Халқ педагогикаси бешик куйидан бошланади. Мусиқага ҳиссий жавоб бериш ҳаётнинг биринчи ойларида болада пайдо бўлади ва ривожланади” [8].

Тарбиячи-ўқитувчилар ўзларининг машғулотларида юқори санъат гўзаллигининг мезонлари бўлган мусиқий асарлардан фойдаланиш имкониятига эга. Мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказилган экспериментал иш болаларнинг мусиқий таълимини ташкил этишнинг мослашувчан усуллари ва шаклларидан фойдаланган ҳолда, ҳис қилиш, шунингдек, асарларни ҳиссий ва интеллектуал баҳолаш натижасида боланинг мусиқий, ижодий ва умумий ривожланишининг ажойиб таъсири эканлигидан далолат беради.

Боланинг мумтоз мусиқий асарларини муваффақиятли қабул қилишига кўмаклашиш учун педагогик тизим яратилиши керак. Ушбу тамойил нафақат боланинг мусиқий таълимига ҳисса қўшади, балки унинг барча шахсий фазилатларини шакллантиради.

Ватанпарварликни тарбиялашда мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий фаолиятини ташкил қилиш учун турли хил ташкилий ва педагогик шароитлардан фойдаланилади: тўғридан-тўғри таълим фаолияти, мусиқий танафус, таътил ва ўйин-кулгида, ўйинда, мустақил фаолиятда қўлланилади.

Болаларда ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишнинг асосий шакллари билан бири - бу бевосита мусиқий таълим фаолияти. Мусиқа дарслари одатда бир ёшдаги болалар учун ташкил этилади. Айнаун ушбу мусиқий фаолиятнинг ташкилий шакли энг самарали ҳисобланади, чунки у жамоа туйғусини, ўз умумий ишига қўшган ҳиссасини англашни тарбиялайди, ўртоқларнинг ютуқларидан қувонишга, омадсизликни бошдан кечиришга ўргатади. Мусиқа дарси давомида ҳар бир боланинг тизимли, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама тарбиялаш ва мусиқий қобилиятларини шакллантириш, шахсий фазилатларини ривожлантириш, мусиқий ва умумий маданият асосларини шакллантириш амалга оширилади.

Мактабгача таълим ва тарбияда мусиқанинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг доирасида турли хил фаолият турлари (кўшиқ айтиш, ритм, тинглаш, мусиқа асбобларида чалиш, мусиқий саводхонликни ўзлаштириш) алмашинуви мавжуд. Ўқитувчи дарс олдида кўйган аниқ вазифаларига қараб, индивидуал, гуруҳий ёки жамоавий дарслар шаклидан фойдаланиши мумкин. Мусиқий таълим ва тарбия ўқув жараёнида амалга оширилади. Шунинг унутмаслик керакки, асосий вазифа - мусиқа, кўшиқ, рақс ва чолғу асбобларини идрок этиш учун зарур бўлган малакаларни амалий эгаллаш. Агар

болалар кўшиқларнинг маъносини тушунсалар, унда берилган вазифаларни осонликча бажарадилар. Албатта, боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Театр ва ўйин, рақс, тасвирий ва бадиий тадбирлар мусиқий тадбирларни ташкил этишнинг яхлит шакли бўлган байрамлар ва ўйин-кулгилар сценарийлари билан осонликча бирлаштирилади. Мажмуада ишлатиладиган ушбу фаолият турлари муҳим ахлоқий-эстетик вазифаларни, шу жумладан, ватанпарварлик тарбияси вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Ҳар бир кўнгилочар тадбирлар мактабгача ёшдаги болаларнинг ватанпарварлигини ривожлантиришга ҳисса қўшиши учун тадбир мазмунида ижодий бўлиш, фақат юқори бадиий мусиқий асарларни танлаш керак. Ўйин-кулги болаларнинг ижрочи сифатида фаол иштирокига йўналтирилиши мумкин, баъзи машғулотларда эса болалар томошабин ёки тингловчи бўладилар.

Ўйин-кулгини ташкил қилиш репертуар, тематик ва тақвимий режалаштириш, шунингдек, мақсад ва вазифаларга боғлиқ бўлган кўплаб шакл ва вариантларга эга. Бунга концертлар, спектакллар, ўйинлар, викториналар, карнавал, театрлаштирилган намойишлар, флеш-моблар бўлиши мумкин. Мусиқа барча байрамларнинг етакчи таркибий қисмидир, у санъатнинг ҳар хил турларини бир-бирига боғлаб, байрамнинг асосий мавзусига мувофиқ маълум ижобий ҳиссий кайфиятни яратади. Ҳар қандай байрамнинг асосий мақсади - болаларни маънавий, ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш.

Мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварликни тарбиялашнинг муҳим жиҳати – педагог яқинлашиб келаётган тадбирга қўшишни режалаштирган мусиқий асарлар репертуарини танлашдир. Мусиқани бошқа машғулотларга қўшиш нафақат қизикарли, балки самарадорлигини оширади.

Шундай қилиб, мусиқа мактабгача ёшдаги боланинг ҳиссий соҳасини ривожлантириш манбаи, унинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, ҳаёл ва тасаввурни ривожлантириш учун имкониятдир. Мусиқа машғулотларида бола ўзининг ички мусиқий эҳтиёжларини англайди, мусиқий қобилиятлари яхшиланади, шахсий фазилатлари шаклланади (ўзига ишонч, хайрихоҳлик, педагогик жараённинг бошқа иштирокчиларига нисбатан бағрикенглик, етакчилик фазилатлари), ижтимоий меъёрларга мослашади, эстетик дидни тарбиялайди, умумий маданиятни шакллантиради. Мусиқа санъатининг мактабгача ёшдаги болалар ҳаётига қўшилиши ҳар бир боланинг маънавий ва ахлоқий маданиятини бойитиш, баркамол шахсни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳар қандай ўқув мавзусини, шу жумладан, мусиқани атрофдаги дунёнинг маълум таркибий қисми сифатида ўзлаштириганда, боланинг руҳи бир вақтнинг ўзида ўрганилади ва амалда ривожланади.

Шу сабабли, мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварлик туйғуларининг шаклланиш даражасини мусиқий таълим орқали икки позитсиядан аниқлаш мумкин: ватанпарварликни ривожлантириш ва мусиқий тарбия.

Мусиқий таълимнинг ўзига хос хусусияти мусиқа ходисасини чуқур ҳиссий жавоб беришга асосланган ноёб санъат тури сифатида очиб беришда ётади. Айнан шу хусусият мактабгача ёшдаги болада ватанпарварликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, чунки ҳиссий маълум ёшдаги психологик хусусиятдир. Мусиқа таъсирида атрофдаги дунёни ҳиссий-мажозий идрок этиш ватанпарварликни шакллантириш учун асос бўлиши мумкин.

Хулоса. Мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварликни тарбиялаш муҳим воситалар ва усулларнинг катта арсеналини жалб қилиш ва педагогик шароитларни яратиш билан ҳал қилиниши мумкин бўлган муҳим ва қийин вазифадир.

Мусиқа санъатининг ҳиссий инъикос орқали турли хил воситалари ва имкониятлари ҳам индивидуал ватанпарварликни ривожлантиришга ёрдам беради. Мусиқий тарбия ва инсоннинг ватанпарварлигини ривожлантириш унинг ҳаёти давомида давом этади. Мактабгача ёшдаги давр - бу барча фазилатларни тарбиялаш ва ривожлантириш энг тезкор ва самарали бўлган вақт.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи.
2. Алябьева Е. А. Нравственно-этические беседы и игры с дошкольниками. – М.: “Вече”, 2003. – 128 с.
3. Конвенция о правах ребенка [Электронный ресурс]. – URL:

http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml

4. Мазыкина Н. В. Инновационные подходы в патриотическом воспитании и гражданском становлении личности // Воспитание школьников. – 2002. – № 6.– С. 6–11.

5. Маклаков А.Г., Коновалова Л.В. Интеллектуально-нравственная основа формирования общенациональной Российской идентичности // Образование как фактор развития интеллектуально-нравственного потенциала личности и современного общества материалы VI международной научной конференции. – 2016.– С. 11–15.

6. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: “Фан”, 1994. 115-б.

7. Солженицын А. И. Русский вопрос к концу XX века // Ориентир. – 1996.– № 12. – С. 31.

8. Харламов И. Ф. Педагогика: учеб. пособие. – М.: “Гардарики”, 2005. – 520с


9. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. –Тошкент: “Маънавият”, 1997

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, 2000-2006 й. 64-бет.

11. <https://president.uz/uz/lists/view/4089> (мурожаат санаси: 19.01.2021).

МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДIZOB. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўқув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари.....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишнинг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчеҳра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixonona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba HOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	74
Нигина ИСМАТОВА. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадрятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музиканинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий этикодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamonaviy uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оилаларида ёшларнинг оилавий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш	138



Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
 “PEDAGOGIK MAHORAT”
 ilmiy-nazariy va metodik jurnali
 barcha ta’lim muassasalarini
 hamkorlikka chorlaydi.

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan “Pedagogik mahorat” jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo‘llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o‘tamiz, maqola qo‘lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo‘limida qabul qilinadi.

Manziliimiz: Buxoro shahri, M.Iqbol ko‘chasi 11-uy
 Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

Tahririyat rekvizitlari:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги
 23402000000100001010 Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.
 МФО 00014 ИНН 201504275
 БухДУ 400110860064017094100079001

Pedagogik mahorat: rivojlanamiz va rivojlantiramiz!

<p>PEDAGOGIK MAHORAT</p> <p>Ilmiy-nazariy va metodik jurnal</p> <p>2021-yil, Maxsus son</p> <p>2001-yil iyul oyidan chiqq boshlagan.</p> <p>OBUNA INDEKSI: 3070</p>	<p>Buxoro davlat universiteti nashri</p> <p>Jurnal oliy o‘quv yurtlarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o‘qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo‘ljallangan.</p> <p>Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi.</p> <p>Nashr uchun mas’ul: Alijon HAMROYEV. Musahhih: Muhiddin BAFAYEV. Muharrir: O‘g‘iljon Olloqova</p>	<p>Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar.</p> <p>Bosishga ruxsat etildi 25.05.2021 Bosmaxonaga topshirish vaqti 28.05.2021 Qog‘oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog‘i – 18,0 Adadi – 100 nusxa Buyurtma № 154 Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>“Sadridin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.</p>
--	---	---